

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

ANDIJON SHAHAR

"ASR AUDIT ANDIJON" MCHJ

AUDITORLIK TASHKILOTI



ASR AUDIT ANDIJON

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

ГОРОД АНДИЖАН

АУДИТОРСКАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ

ООО "ASR AUDIT ANDIJON"

Andijon shahri A.Navoi shoh ko'chasi 33 uy

город Андижан проспект А.Навои дом-33 уй.

СТИР: 207242599 x/p 20 208 000 200 642 184 001 "Узмиллийбанк" Андижон вилоят бўлими МФО- 00074

"IMKON FINANS MIKROKREDIT TASHKILOTI" АЖнинг 2021 йил 1 январдан 2021 йил 31 декабргача тайёрланган молиявий ҳисоботини аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш натижаларига кўра фикр билдирилган

Аудитор хулосаси

№ 1 25.02.2022 йил.

Андижон шаҳри.

Аудиторлик ташкилоти номи:

Маъсулияти чекланган жамият шаклидаги «ASR AUDIT ANDIJON» аудиторлик ташкилоти. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2016 йилнинг 15 июлда "404"- тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Лицензия: №00777, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 5 апрелда берилган.

Жамият ҳисоб рақами- 20 208 000 200 642 184 001 "Узмиллийбанк" Андижон вилоят бўлими МФО- 00074 да фаолият курсатади.

Манзили: Андижон шаҳар Навои шох кўчаси 33-уй.

Биз, МЧЖ шаклидаги «ASR AUDIT ANDIJON» аудиторлик ташкилоти директори, аудитор Ё.Насирдинова (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 4 октябрда берилган № 05630 аудиторлик малака сертификатига эга) ҳамда ташкилот аудитори Э.Курбонова (Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерлар ва аудиторлар имтихон маркази» томонидан 2016 йил 29 октябрда берилган № 05425 аудиторлик малака сертификатига эга) "IMKON FINANS MIKROKREDIT TASHKILOTI" АЖнинг 2021 йил 31 декабр ҳолатидаги бухгалтерия баланси, молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи ва капиталдаги ўзгаришлари тўғрисидаги ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қондаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим қилинган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш, дастлабки ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Аудиторлик ташкилоти "IMKON FINANS MIKROKREDIT TASHKILOTI" АЖнинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотларни барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Директор, Аудитор

Ё.Насирдинова

Аудитор

Э.Курбонова

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар бизга миқдор корхона молиявий ҳисоботини жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Фикр билдириш учун асос

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тугрисида ўз фикримизни билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Фикр

Бизнинг фикримизча, "IMKON FINANS MIKROKREDIT TASHKILOTI" АЖнинг 2021 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботлари барча муҳимлилик жиҳатлари буйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тайёрланган.

«ASR AUDIT ANDIJON» МЧЖ шаклидаги

Аудиторлик ташкилоти директори, аудитор

Ё.Насирдинова

Ташкилот аудитори

Э.Курбонова

